



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 27» sentabr

№ 530

Toshkent sh.

Қорақалпоғистон Республикасида “Борсақелмас” давлат буюртма қўриқхонасини ташкил қилиш тўғрисида

Алоҳида экологик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар, ҳайвонларнинг ноёб турлари ҳамда ирсий фондини сақлаб қолиш, шунингдек, уларни қайта тиклаш, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирининг олдини олиш ва табиий жараёнларни ўрганиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг:

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига доимий эгалик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган Қўнғирот туманидаги 142 965 гектар ҳамда Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига доимий эгалик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган 88 500 гектар ер майдонларини захирага қайтариш;

табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклида Қўнғирот туманида умумий майдони 280 000 гектар бўлган “Борсақелмас” давлат буюртма қўриқхонасини (кейинги ўринларда – буюртма қўриқхонаси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

“Борсақелмас” давлат буюртма қўриқхонасига ажратиладиган ер участкаларининг майдони 1-иловага мувофиқ;

“Борсақелмас” давлат буюртма қўриқхонасининг қўриқланма зоналари майдони 2-иловага мувофиқ;

“Борсақелмас” давлат буюртма қўриқхонаси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) буюртма қўриқхонасининг қўриқланма зонасидаги ерлар ушбу ҳудудларда жойлашган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ихтиёрида қолади;

б) буюртма қўриқхонаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тузилмасига киради;

в) буюртма кўриқхонаси фаолиятини молиялаштириш:

2022 йилда Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига;

2023 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджети маблағлари, Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

г) буюртма кўриқхонаси ҳудудидаги табиий мажмуалар ва ландшафтлар, шу жумладан, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот турлари муҳофазага олинадиган асосий объектлар ҳисобланади.

4. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси икки ой муддатда:

буюртма кўриқхонаси ва унинг кўриқланма зонаси тўғрисидаги низом ишлаб чиқилиши, тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

буюртма кўриқхонасининг штатлар жадвали тасдиқланишини ҳамда малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

5. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисига буюртма кўриқхонасининг ижро этувчи аппарати ходимларининг чекланган умумий сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида буюртма кўриқхона штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши уч ой муддатда:

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда буюртма кўриқхонасининг ижро этувчи аппарати учун Қўнғирот тумани ҳудудидан оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бино ажратилишини;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Кадастр агентлиги билан биргаликда:

ушбу қарор 1-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ ер майдонларининг белгиланган тартибда захирага қайтариб олиншини;

ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган ер участкалари буюртма кўриқхонасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилишини;

буюртма кўриқхонаси учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериладиган ер участкаси майдонлари табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилишини;

буюртма кўриқхонасининг ер участкалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

ушбу қарорнинг 6-бандида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармасидан маблағлар ажратиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **бир ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Н. Обломуродов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси К.Р. Сариев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 27 сентябрдаги 530-сон қарорига
1-илова

**“Борсакелмас” давлат буюртма кўриқхонасига доимий фойдаланиш
ҳуқуқи асосида бериладиган ер участкаларининг
МАЙДОНИ**

Худуд номи	Олдинги ердан фойдаланувчилар	Ер участкалари майдони (га)	Ер тоифалари
Қўнғирот тумани	Қўнғирот давлат ўрмон-ов хўжалиги	31 270	Ўрмонзор
		28 772	Яйлов ерлари
		2 800	Бутазорлар
		80 123	Бошқа ерлар
Жами:		142 965	
Қўнғирот тумани	Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси	88 500	Яйлов ерлари
Жами:		88 500	
Қўнғирот тумани	Қўнғирот тумани ҳокимлиги захира ерлари	48 535	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар
Жами:		48 535	
Жами ажратилган ерлар:		280 000	


Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 27 сентябрдаги 530-сон қарорига
2-илова

**“Борсакелмас” давлат буюртма қўриқхонасининг қўриқланма зонаси
МАЙДОНИ**

Худуд номи	Қўриқланма зона белгиланадиган ер майдони (га)
Қўнғирот давлат ўрмон-ов хўжалиги ерлари	24 743
Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси ерлари	6 555
Қўнғирот тумани ҳокимлиги захира ерлари	12 702
Жами:	44 000

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 27 сентябрдаги 530-сон қарорига
3-илова

**“Борсакелмас” давлат буюртма кўриқхонаси ижро этувчи апаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларининг чекланган сони – 21 нафар.

* Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.

